



# ТОШКЕНТ



ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЕСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОҒЛИ

Дам олиш  
сонида!

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 34 (9.226) 1999 йил 26 март, жума

Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

Барча манбалардан олинган сўнги ахборотлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолати ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат инспекцияси («Ўздавсувҳўжаликназорат»)ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● **Олий Мажлисида** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг парламентнинг олтинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар бўйича ишларни ташкил этиш бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● **Қишлоқ аҳолисини** ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида** Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда «Суд ҳокимияти ва матбуот эркинлиги» мавзусида семинар-масгулот ўтказилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига** биноан ташкил этилган «Ўзавтосаноат» ассоциацияси беш ёшга тўлди.

● «Ўзбекистон — АҚШ» Дўстлик жамияти таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Бугун** Ўзбекистон Бадий академиясида Ўзбекистон Республикаси «Болалар санъати — 2000» Халқаро фестивали очилди. Унда болалар ижоди кўргазмаси намойиш этилди, болаларнинг мусикали чиқишлари бўлди. Фестиваль голибларини Гран-при, медаллар ва Дипломлар билан тақдирлаш маросими ўтказилди.

● **Чоршанбадан** пайшанбага ўтар кечаси НАТО «Қатий куч» операциясининг биринчи босқичини амалга оширди. Югославия бўйлаб ракета-бомба зарбалари берилди. Бир қанча шаҳарлар, жумладан Белград, Приштина, Нови-Сад шаҳарларидаги ҳарбий объектлар бомбардимон қилинди. АҚШ Президенти Б. Клинтон Югославияга қарши бу ҳарбий операцияни мажбуран қилинган чора, деб атади. Бироқ Россия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово муаммосини ҳал қилишда қўллаган бу хатти-ҳаракатини суверен давлатга қарши қаратилган агрессия деб баҳолади. Украина Сербия бўйлаб ҳаводан туриб зарбалар бериш бўйича НАТОнинг қарори муносабати билан ўзининг ядросиз давлат мақомини бекор қилди. Жумага ўтар кечаси Югославия бўйлаб ҳаводан ва ҳарбий кемаларнинг бортларидан иккинчи зарбалар берилди. Приштина ва Белградга рўй берган портлашлар овози эшитилди. Олинаётган маълумотларга қараганда ҳалок бўлганларнинг сони ўндан олтимишгача деб тахмин қилинмоқда, юзлаб кишилар жароҳатланди. Кузатувчиларнинг хабарларига қараганда, Югославия ҳудудидаги 50 дан зиёд ҳарбий объектлар бомбардимон қилинди. Югославия АҚШ, Англия ва Франция билан дипломатик муносабатларини узди.

● **Эртага** Халқаро валюта фонднинг ижрочи-директори М. Камдесю Москвага таширф билан келади.

● **Италиянинг** собиқ Бош вазيري Р. Проди Европа комиссиясининг раиси лавозимига тасдиқланди. У 1 апрелдан бошлаб ўз вазифасини бажаришга киришади.

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



— Озод ака, сизни кўп сонли оқшомхонлар номидан Ватанимизнинг олий нишонини билан чин дилдан мураббад этамиз. Мазкур Фармонни эшитганингизда қалбингизда қандай туйғулар кечди?

— Одатда инсон бирон мукофотга сазовор бўлса, айниқса юксак ҳуқуқат мукофоти билан тақдирланса унинг қалбида нима кечади. Албатта хурсандчилик, тинимсиз меҳнатларининг, изланишларининг беусамар келмаганидан мамнунлик ҳисси жўш уради. Чунки бу оддий бир мукофот эмас. Унда халқимизнинг бизга бўлган ишончи, муносабати акс этади.

Юрагимда она юртимга, миллатимизга бўлган муҳаббат жуда бекиёс. Шундай шодиёна кунларда менга берилган олий мукофот аввало халқимизнинг, хурматли Президентимизнинг менга берилган ишончи, камтарона хизматларимга берилган юксак баҳоси деб биланам.

— **Хозир кўнгул 70 ёш арафасида сиз.** Ўтган умрингиздан, қилган ишларингиздан қўнгулнингизда қонқиш ҳосил бўладими?

— Ҳаётимдан, ўтган умримдан, ижода озми-кўпми эришган ютуқларимдан жуда мамнунман. Чунки ўзимни бахтли ҳис қилган онларим жуда кўп бўлган. Шу билан бирга бирор дақиқа ҳам мен ҳаётимдаги энг бахтли, шўқули онларни чин қалбдан ҳис этаётган десам муболага бўлмас. Бунинг учун яна бир бор халқимизга ўз миннатдорчилигимни ихтир этаман.

**Мазмура РЎЗИЕВА** сўхташлади.

СУРАТДА: «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Озод Шарофидинов.  
Рустам Шарипов олган сурат.

## ХАЛҚИМДАН МИННАТДОРМАН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ўзбек маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли хиссаси, маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишда фаол иштироки, фидойилиги, янги тафаккурни шакллантириш ҳамда халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги самарали хизматлари учун «Жаҳон адабиёти» журналининг Бош муҳаррири Озод Шарофидинов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.**

**Биз устозини ушбу юксак мукофот билан қутлаш ниётида у кишининг ҳузурларида бўлдик.**

қиқа ҳамма нарсадан тўла мамнун бўлиб тўхтаб қолдим ёки қаноат ҳосил қилдим деб айтмайман. Инсон ҳаётида ана шундай мураккаблик бўлади. Чунки инсон учун эришадиган амал, эришилмадиган идеал кечкис. Шунинг учун у бутун умри давомида доимо бир нарсани интилади, маънавийни юксалтиришга ҳаракат қилади. Ана шундайгина у ўз олдига қўйган орзу ва мақсадларига эришади.

Бугун ҳам мен ҳаётимдаги энг бахтли, шўқули онларни чин қалбдан ҳис этаётган десам муболага бўлмас. Бунинг учун яна бир бор халқимизга ўз миннатдорчилигимни ихтир этаман.

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1999 ЙИЛ 15 МАРТДАГИ 113-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА

**Тошкент шаҳрида жиноятчиликни янада пасайтириш ҳамда жиноят содир этишига ва бошқа ҳуқуқ бузишларга мойил бўлган шахслар билан олиб борилаётган профилактика ишларини тақомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулаевов «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги 113-сонли қарорининг бажарилиши ҳақида» қарор қабул қилди.**

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги 113-сонли қарори ижро учун қабул қилинди.

Туман ҳокимликлари Ички ишлар бўлимлари ва туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда: туман ҳокимликлари ҳузурида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштириш ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комис-

сиялар ташкил этиш, комиссияларга раҳбарлик қилишни ҳоким ўринбосарларидан бирига юклатиш; жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда ички ишлар органларида кўмаклашиш учун «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларини ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ҳар бир органида илгари судланган, сурункали алкоғолизмга чалинган ва маиший турмушда ҳуқуқни бузишлар содир этишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун оқсоқоллар, фахрийлар, аёллар ва ёшлардан, маданият ва дин вакилларидан иборат яраштириш комиссиялари тузиш вазифаси топирилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига: шатдаги ходимларнинг мавжуд сонини қайта тақсимлаш ҳисобига 1999 йил 25 апрелгача: туман ички ишлар бўлимларининг профилактика хизмати таркибида жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар билан ишлаш бўлимларини белгиланган тартибда ташкил этиш;

такрорий жиноятчиликнинг олдини олишни яхшилаш, тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш ва оғир жиноятлар содир этган шахслар хатти-ҳаракатини тиббий-психологик ўрганиш учун Солиқлик сақлаш бош бошқармаси билан биргаликда ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси шатига психолог лавозимини киритиш;

ҳар ойнинг 5-кунига гача мuddатини ўтаб келган шахслар бўйича белгиланган тартибда Тошкент шаҳар ижтимоий мослашиш марказига ахборот бериш вазифаси юклатилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Адлия бошқармаси, Меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий жамғарлаш бош бошқармаси, шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва туман ҳокимликлари билан биргаликда 10 кун мuddатда: ҳокимликлар ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод

қилинган шахслар ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштириш ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар туғрисидаги;

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги; фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низоомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигига киритиш вазифаси топирилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий мослашиш маркази мазкур қарор 2,3-бандларининг ижроси таъминлашнинг назоратга олиши керак.

Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси жазо мuddатини ўтаб келган шахсларга кўрсатилган моддий ёрдам маблағларини тўлик ва ўз вақтида ажратилиши бўйича зарурий чораларни кўриш керак.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш тўғрисида ахборот-тушунтириш ишларини мунтазам равишда ёритиб бериш вазифаси топирилади.

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги 113-сонли қарорининг бажарилиши ҳақида»ги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Аҳмажон Миржалилов расмийлашди ўтказилган бу йиғилишда қатнашган шахрдаги тегишли бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ушбу қарорни бажариш бўйича жойларда бошлаб юборилган ишлар тўғрисидаги ахборотларни тингладди.

Йиғилишда ушбу қарорни бажариш юзасидан олиб борилиши зарур бўлган аниқ тасвирлар ва топириқлар берилди.

## ИЙД ҚУРБОН АРАФАСИДА

*Эртага ўлкамизга Ислom оламидаги энг муборак байрамлардан бири — Курбон хайити кириб келмоқда. Шу муносабат билан биз Тошкент шаҳар бош имом хатиби Абдуқодир хожи Мардон хожи ўғиллари билан суҳбатлашдик.*

Бизнинг суҳбат

## МУСУЛМОН ОЛАМИНИНГ АЗИЗ БАЙРАМИ

— Тақсир, мана муборак Ҳаж амалларини адо этишлик учун ийд Курбон арафасида бўлгуси ҳожиларимизни Маккаи Мукаррамга эсон-омон жўнатдик...


— Бисмиллаҳир роҳман-роҳийм. Яратган раб-бимизга сизу бизни залолатдан қутқариб, ҳидоят сари бошлагани учун ҳамду санолар бўлсин. Яратганнинг ҳукмини, ўзларининг суннатларини бизга мерос қолдирганликлари учун пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳи алайҳи вассаломга ҳамду санолар, аҳли аёлларига дуруду саловатлар ва саломлар бўлсин.

Алҳамдулиллоҳ, мана муборак ийд Курбон байрами кунини ҳам нишонлашга муваффақ бўляпмиз. Мана бу кунларда Юртбошимизнинг марҳаматлари билан жумҳуриятимиз мўмин-мусулмонлари Ислom рукнининг бешинчиси — Ҳаж арконларини адо этишлик учун барчалари фарз, вожиб ва суннат амалларини бажаришга киришдилар. Барча мўмин-мусулмонларимиз Арафоту Муздалифада ва Минода эл-юртимиз ҳақиқа, Юртбошимиз ҳақларига, улуғ неъмат бўлган юртимиздаги тинчлик, осойишталик, мустақиллик янада барқарор бўлишлигини Яратгандан сўраб, қўллари дуодаю қалблари Оллоҳда.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йилги Ҳажга борувчиларнинг сони 4 мингга яқинлашди. Давлатимиз идоралари, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги диний кўмита ходимларининг катта хизматлари туфайли ҳожиларимиз Ҳаж сафарига боришга муваффақ бўдилар. Шу муносабат билан Ҳаж мавсумида хизмат қилган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

— **Мусулмонларнинг энг қутлуғ байрамларидан бири бўлмиш Курбон хайити хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ийд Курбон, яъни Курбон хайити мустақилликка эришганимиздан буён рес-



Шундай улуғ кунларга етказганинга шукр.

Рустам Шарипов олган сурат.

публикацида давлат миқёсидаги байрам ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, Курбон хайити мусулмон оламининг энг катта, энг азиз байрамидир. Динимизда ҳам, умримизда ҳам бу байрамнинг мавқеи жуда баланд. Бу кунда қалблар севинчга тўлади, ўксик кўнглиларга шодлик улашилади, совға-саломлар ва ҳадялардан етим-есирлар ҳамда бева-бечораларнинг бошлари кўкка етади. Зиёратчиларнинг латиф ва ширин сўзларидан қариялар ва хасталарнинг диллари қувончга тўлади. Ҳамма бир-бирини табриқлайди, гина-қудуратлар унутилади. Норасида фарзандлар намозга кетган оталари, акаларининг ҳайитлик олиб қайтишларини интиқлик билан кутишади. Ҳамма покиза либослар кияди, эшик олдилари, кўчаларини озода қилиб кўяди. Бутун олам янги-лангандай, покликка буркангандай бўлади. Қурби етган кишилар Оллоҳнинг ризолигини истаб, берган неъматларига шукроналик тарзида қурбонлик қиладилар.

— **Тақсир, қурбонлик қилишнинг тартиб-қоидалари қандай, қурбонлик гўштидан қай тарзда фойдаланиш лозимлиги тўғрисида тушунтириб ўтсангиз.**

— Қурбонлик қилиш, яъни битта кўй сўйиш ҳар бир имконияти бор, қурби етган кишига вожибдир. Агарда қурбонлик учун сигир ёки туя сўйиладиган бўлса, ҳар бир сигир ва туяни етти киши ўртада сўйиш мақсадга мувофиқдир. Қурбонлик қилинган молу кўйнинг гўшти уч қисмга бўлинади — бир қисми ўзи учун, бошқасини пишириб тарқатиш мумкин, яна бир бўлаги эса камбағал-мискинларга тарқатилади.

Иншооллоҳ, шаҳримиз барча мўмин-мусулмонларининг қиладиган эҳсону қурбонлиги ибодатларини Оллоҳнинг ўзи қабул айласин. Яратганнинг ўзи ҳамisha сизу бизни ўз ҳимоясига олиб, тўғри йўлдан адаштирмасин. Ҳар дақиқада бир-биримизга бўлган меҳру-муҳаббатимиз, оқибатимиз зиёда бўлсин. Мана шундай эҳсону садақотларимизни бақадри ҳол мискин бева-бечораларга қилиб туришлик ҳар доим ҳар биримизга насиб этсин. Яратганнинг ўзи ийд Курбон айёмини ҳаммамизга муборак қилсин, хонадонимиз тинч, обод бўлсин, Ватанимиз гуллаб-яшнасин.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**  
суҳбатлашди.

Ҳожа Аҳмад ЯССАВИЙ

## ҲИКМАТЛАР

*Ийди қурбон ой келди, келинг дўстлар,  
Зоҳир, ботин равшан қилиб, Дийдор кўрунг,  
Эътиқофда халис туруб, нафси уруб,  
Жону дили бир тан қилиб, Дийдор кўрунг.  
Нафси уруб, дин қалъасин қилинг холи,  
Аллоҳ десанг, Ғойиб қўшар ул афғоли,  
Беҳабарлар айтсам қилмас сўз аҳволи,  
Жону дили эҳсон қилиб, Дийдор кўрунг.  
Нафси уруб, дин қалъасин берсанг инъом,  
Инъом берсанг, берур сапа анда инъом,  
Рўзи маҳшар Хожсанг боқар санга хандон,  
Вужудларинг хандон қилиб, Дийдор кўрунг.  
Нафси уруб, дин қалъасин қилгил паноҳ,  
Қоплар ютуб тавба қилгил, кечар гуноҳ,  
Элинг очиб, омин десанг кечгай Аллоҳ,  
Орзуида тавба қилиб, Дийдор кўрунг.  
Тавба қилсанг мисли насух тавба қилгил,  
Один сўнгра Ҳақ раҳматин билиб кўргил,  
Нодонлиғда ўтти умринг, инсоф қилгил,  
Ҳақдин кўрқиб, инсоф қилиб, Дийдор кўрунг.  
Ҳайвон қилмай, одам қилди кўрқмоқ учун,  
Қиёматни шиддатидин ҳурқмоқ учун,  
Ҳақ қаҳридин кўрқиб, ёшинг тўқмоқ учун,  
Вовайлато, афғон қилиб, Дийдор кўрунг.  
Эй бул ҳавас ошиқ бўлсанг жондин кечгил,  
Тун уйқуни ҳаром қилиб, зикр айтгил,  
Андин сўнгра шавқ шаробин тўя ичгил,  
Аллоҳ айтиб, жавлон қилиб, Дийдор кўрунг.  
Неча айтсам, ишонмассан, эй беҳабар,  
Нодонларга токи чеккай хуни жижар,  
Дони бўлса ҳар бир сўзим дурру гавҳар,  
Гавҳар топиб, фйгон қилиб, Дийдор кўрунг.  
Қул Ҳўжа Аҳмад, тавба тўнин киймоқ керак,  
Ҳақдин кўрқиб, нафси бадин битмоқ керак,  
Хуқдин кечиб, ёлғуз Ҳақни суймоқ керак,  
Аслинг туфроқ, сулатон бўлад, Дийдор кўрунг.*

*Раҳматидин улуш берди Мавлом санго,  
Сани хоҳлаб иймон ато қилди санго,  
Ҳақ Мустафо Расул айди, сан — умлатим,  
Лутф билан бағишласам Қурбон санго.*

*Қурбон раҳмат турур санго, ганжи ҳикмат,  
Қурбон билан равшан бўлур, бари фурқат,  
Умлат учун келди руҳ ул-Аҳмад,  
«Фақрауу мо тайассара» Қурбон санго.\**

*Қурбон йўлдин озмишларни йўлга ортар,  
Овоз билан ўқусалар кўнгли ўртар,  
Қурбон билан бўлсанг, иззат-ҳурмат ортар,  
Қилар эрмиш юз минг ҳурлар хизмат санго.*

*Бу дунёда ўқур Мавлом каломини,  
Эшитгайсан анда ёрни саломини,  
Учмоқ ичра берди неъмат тамомини,  
Хур-у ғилмон қусур билан валдон санго.*

*Қурбон билан қаю танда тутқувчи ул,  
Маъсиятни номасини ювгучи ул,  
Хайр эра, шарр эра сўзгучи ул,  
Қурбон улуғ мўъжиза-и бурқон санго.*

*Қурбон улуғ фармони ичга боқла,  
Есанг агар ўтунига кўрқиб йилга,  
Ул кўрқунчи ўқи билан ичинг доғла,  
Элим қилғой учмоқ йўлин осон санго.*

*Кечти умрим қишу, ёш бўлди завол,  
Ўзуком кўб, ёрлақилга ё зол-жалола,  
Қул Ҳўжа Аҳмад гайрилида бўлдим малол,  
Орзу қилур туққон ерим, туркон санго.*

*Қутулмассан қочиб тун-қун ўлдумдин боғу бўстонга,  
Бу сўзда бўлса ишқалинг, тафарруж қил гўристонга.*

*Пайғамбарларни қўймади, ўлим қимни қўяр нодон,  
Кетар ботил, бахиллики тафарруж қил гўристонга.*

*Бу Азроил етиб келгай, шариф талдин бу жон олгай,  
Қариндошлар баҳо қолгай, тафарруж қил гўристонга.*

*Қаро сочларни ёйгайлар, қизил юзларни яратгайлар,  
Ҳаёликлар уялгайлар, тафарруж қил гўристонга.*

*Қариндошлар қуйиб ёнгай, фаришталар кириб келгай,  
Бу мўъминдек савол сўргай, тафарруж қил гўристонга.*

*Ўлдумдир эранни бир қилгон, олиб жонин асир қилгон,  
Жоҳон зирўз бир қилгон, тафарруж қил гўристонга.*

*Вафоси йўқ бу дунёнинг, осиг қилмас санго охир,  
Бўлур бу сир санго зоҳир, тафарруж қил гўристонга.*

*Қул Аҳмад ўзунинг англа, сафар қилгунг бир кун тонгла,  
Нечук бўлгуси ҳол анда, тафарруж қил гўристонга.*

**Нашрга тайёрловчи Неъмат ЖАББОРОВ**

\* «Фақрауу мо тайассара» — «Қурбингиз етганича Қурьондан тило-ват қилинлар». Қурьони Қаримдаги 73-суранинг 20-оятига ишора.

## ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИ

(Охири. Боши газетанинг 28, 31-сонларида)

Алқисса, ул горни топиб, ул азизга хатни туғдим, муғтолаа айлаб хожа Ҳасанмусан дедилар, мен таъзим айлаб хурсанд бўлдим. Ул киши қалам ва довод олиб қозоғга уч-тўрт мисра ёзиб, қанотимга боғлаб, эй хожа Ҳасан ишарин андоғ бўлғайки, маъшуканг асиринг бўлиб, ул хазиналарнинг ҳаммаси сени қўлингга кирар деб, тасалли бериб мени кузатдилар. Дарҳол синглимни уйига етиб келиб шайхнинг оёқларига ўзимни ташладим. Шайх қанотимдан хатни олиб очдилар, ичидин икки дона маъжун ҳам чиқди. Шайх бир дона маъжунни сувда эритиб менга ичказдилар. Мен ерга йиқилиб бир юмалаб ўз аслимга келдим. Менга яна либослар кийдириб, бир исми аъзамни ёдлатдилар ва дедиларки энди бориб ул жоду бирлан суҳбатда бўлсанг, бир жом майга ушбу исми аъзамни ўқиб, дам солиб бергил, қандай ва нима ният айласанг андоғ бўлғай, деб бир дона маъжунни ҳам менга бердилар ва қанончи уни ўз аслига қилтирмоқчи бўлсанг эритиб ичказинг деб, мени кузатдилар.

Мен уйимга бориб, эртаси дўконни очиб бир неча кун савдо бирлан шугулландим. Бир кун

Донишмандлар хазинасидан

# ШАЙХ САНЪОН ҚИССАСИ

шом вақтида ул соҳиранинг дарвозасига бордим. Яна уч каниз мендан илгару дарвозани очиб, салом айлаб, қўлимдин тутиб ҳарамга олиб кирди. Кўрдимки барча жиҳозлар ўзгача, базм асбоблари ҳам бошқача, ҳаттоки ул гулруҳнинг ўзи ҳам тамоман ўзгача ясанган. Уни кўришим билан чеккан барча алам ва захмларим эсимдан чиқди. Аммо ўзимни қўлга олдим. У яна тахтдин тушиб келиб, мени тавоф айлаб, ёнидан жой берди. Яна бир ўзга нав базм айлаб, бодалар, пайдар-пай қуйилди. Менга дедимки имтиҳон учга етди, энди ҳақиқий бўлмоқчи жойи эрмас деб, юз-кўзимдин бўсалар қилур эрди. Орадан етти-саккиз пиёла айланди. Ўзимга дедимки яна пайд бериб қўямасин, ишингни билиб қилгин деб, исмиётни ўқиб, меъёрига етқуриб, бир жом майга солиб ният айладимки, от суратида бўлсин ва канизи от суратида бўлсин деб. Шайхни айтганимдек қилдим, дарҳол икковлари ерга думалаб турдилар. Кўрдимки малика от суратида, канизи эса от суратида бўлибдилар. Дарҳол отни эгарлаб, итти бўйнидан тасма боғлаб хазиналар эшигини қўшлаб, надимларим билан от ва итти етаклаб шайхни уйига келдим. Бул асрордин аларни оғоҳ айлаб, шайхдин фотиҳа олиб, пирим шайх Санъонни хизматларига келур эрдим. Чунончи ушбу воқеаларга арз, ҳукмилари нечук бўлса андоғ бўлғай деб, йўлда бул ҳодиса рўй берди, бинобарин шох хизматларига ноид бўлдим, деб ўшал от билан от хозирлару, агар уларни воқеани сўрасалар маълум бўлур деди. Шох от ва итдан ушбу хожанинг айтганлари нечундур?» деб сўради. Улар бошларин билан гувоҳлик бердилар. Шох гоят тарабнок бўлиб, таслимотлар айлади. Таъби очилди ва хожа Маҳмудга боқиб, сиз ҳам бир нима сўз айтинг, деб амр айлади. Хожа Маҳмуд ҳам ўрнатириб дуо ва санолар айлаб шохга тавозеъ айлади сўнгра ўз саргузаштини баён етишга турди.

Алқисса хожа Маҳмуд дедими, эй шохо, камина Яман турпоғидин бўлурман, мағриб заманига ташлаулдири. Бизлар икки оға-ини эрдик, менинг отим Маҳмуддир ва укамни номини хожа Аҳмад дерлар. Ота-бобаларимиз савдогар қишлардур. Бизлар ҳам икковимиз савдогарлик қилур эрдик. Мен карвонбоши эрдим, молдор ганий эрдик. Бир сафар Шом (Сурия) азиматига тарадуд этиб, юк бойладик. Йўлда менга ташналик голиб келиб, бир пиёла сув деб карвонни тўхтайтиш бўлмади. Йўл ёнида бир беша (дарактзор) кўринди, албатта сув бордур деб, отни бурдим, ҳамма мендан беҳабар эрди. Борсам сувдан дарак йўқдур. Ул бешани бир ёнида бир дарак кўринди, паррандалар ҳам қўпдур, ўшал томон от солдим, борсам бир чох (кудук) бордур. Отдин тушиб чох ичига боқдим, суви бор-йўқлигини билмоқ мақсадда чоҳнинг тубинга назар солдим, сувдин асар кўринмади. Ногоҳ чох ичидан бир овоз чиқдики, илоҳо бу беодоб эр киши бўлса хотин бўлсин ва агар хотин киши бўлса эр кишига айлансин, бизлар озор етказди деб, муножот қилди. Чоҳдан бошимни кўтариб ўзимга боқсам бир киз суратида бўлибдурман. Кокилларим икки ёнида осылган, қошларим камон, мужгонларим пайкон бўлибдур. Кўрагимда қўла пистонлар пайдо бўлибдур. Пастроққа қўл солиб кўрсам бокиралик нишонаси зоҳир бўлибдур. Ноилож бўлиб, отимни етаклаб борур эрдим, бир анҳор сувга етдим. Ул суви лабида ўлтириб эрдим даногоҳ бир подшоҳ шоркага (ов) чиқиб эркан, қўлида лочин куши, икки-уч нафар този итлари билан етиб келди. Мени бул ҳолда кўриб, ҳайрат ичиди яқин келиб сўрадики, эй наозини бундук хусну жамол билан бу ажал ҳазинани бу янглиг юрушини маънисини нимадур. Мен жавоб бердимки мен карвон бошини қизи эрдим. Отам мени қўп яқин кўрар эрди, бул сафарга олиб чиқиб эрди, фалон жойда карвонга қароқчилар ҳужум қилиб, ҳамма карвонни олдилар, ўлганлар ўлиб, қароқчилар молни тақсим қилурди мен ўзимни бул отда олиб қочдим. Бу ерларга келиб сув ичиб туриб эрдим, Аллоҳ таоло сизни етқурди. Ул подшоҳ дедими шавҳардор (эрга тегис) бўлганмисан? Мен дедимки, хали рўзгордор бўлганим йўқ. Шох дедими, эй дилбар, бўлмас мени шавҳарликка

қабул айлагил, бондйи айвоним бўлгил деб отга миндириб шаҳарга олиб кириб тўй-томошалар қилиб яқши соатда ўз никоҳига киритди.

Алқисса неча йиллар ўтди, ўғил туғдим, қатта бўлиб дониш ва камолотда яғонаи даврон бўлди. Бир кун эшитдимки Маъриф дийридин бир карвон келмиш деб. Бағримга ўт тушди, бир канизнинг пинҳоний карвон саройга юбордим, агар хожа Аҳмад деган карвонбоши бўлса бу ерга олиб келгил деб тайинладим. Ул каниз саройдин хожа Аҳмад инимни топиб олиб келди. Мен ундин юзимни беркитмай кўришдим. Хожа Маҳмуд қабнда деб сўрадим. Иним оҳ тортиб юбориб дедими фалон йилдан буён гоийбдур, асло хабарини топмадик, деди. Мен анга яширинча қўп мол-дунё бериб узатдим. Душманларим бирга ўрни қўшиб шохга етказиб, бегона одамлар билан қабоят ишлар ўтди дебдурлар. Шох даргазаб бўлиб шамширини қўлзум наёмилин олиб, бошимга келиб дедими, эй чанғалистондан чиққан чўл кесак мени обрўйимни ерга урдинг деб, хоҳладими икки пора қилғай. Мен дедимки андак тавоққўф айлагил, воқеани изҳор айлайин. Шох андак тасалли топиб турди, бошдан-оёқ қиссани пурғуссадин хабар бердим. Шох дедимки хотинларни, мақри улўғдур, мундоғ фиреблар бирлан алдармусан деб, яна сиёбат айлади. Мен дедимки, мен хоҳлаган пайтингда ўлдирсанг бўлур деб, ойимни, зотимни, ул беша ва кудук воқеасини бир-бир баён айладим. Ул савдогар менинг инимдур, номини хожа Аҳмад дерлар, мени хожа Маҳмуд дерлар, қўп моллар билан ул

бешага сув истаб, ёлғиз бориб бир чоғга етдим ва ул чоғга қарадим. Бир овоз чиқдики агар эр бўлсанг заифа бўлгил деб. Дарҳол бу ҳолга кирдим. Сиз етиб келдингиз, тақдирот ишлари мундоғ зуҳурга келди дедим. Шох бул сўзларга ҳам шубҳа билан қаради. Ўлимни ваҳимдур бўлмас аввал замондан то бу дамгача ҳеч ким мундоғ ишларни кўрмагандур деди. Мен дедимки эй шох паршон бўлма ул бешага бориб, ул чоҳдин аз-моийш (синаб кўрмоқ) айламоқ лозимдур. Агар бул ишлар зуҳурга келмаса мени ул бешада туфроқга сикориш айлагил. Бул асрорлар қўшида қолмағай.

Шохга ушбу сўзлар мақбул бўлиб, қатта ўғлимни валиҳад айлаб дилжаъм бўлиб, икковимиз отга миниб ул бешага, чоҳ бошига бориб отдин тушиб, шох чоғга боқди, овоз чиқдики, эр киши бўлсанг, заифа бўлгил деб, шох дарҳол ўн беш яшар қиз суратида бўлди. Мен ҳам чоғга қарадим, бир овоз чиқдики, заифа бўлсанг эр киши бўлгил деб мен асл суратимга қайтдим. Шохга салом қилдим. Иккаламиз маслаҳатлашиб, ўзга вилоятга бориб яшадик. Андай замонда худойи таоло икки ўғил берди. Ўғиллар ўн икки ёшга етди. Тирликқидан зерикиб, икковимиз маслаҳат қилиб яна ул бешага бордик. Мен бечора чоҳни бошига бормасдан йироқроқ турдим. Шох бориб чоғга қаради, бир овоз чиқдики, заифа бўлсанг эр киши бўлгил деб. Шох дарҳол асли суратига қайтди. Мени олдимга келиб шукрлар айлади. Ул анҳоринг лабида ўлтириб, ул икки ўғилни мандин таваллуд топиб эрди, шох олди. Шох тўққан бул икки ўғилни мен олдим. Шох мен билан видолашиб ўз вилоятга ўғилларининг олдиға кетди. Мен икки ўғилни олиб Мағриб дийриға бориб, қариндошларимни кўриб, хожа Аҳмад укамга молларни топшириб, тарадуд айлаб бул икки ўғилни олиб кириб шайх Санъон олдиларига бориб, бу тўрт ўғил масаласини ҳукмини шариат нечук фармойиш айласа андоғ бўлғай деб келур эрдим. Кўрдимки шайх ҳавода борурлар. Ушбу сабаб билан шохнинг иқболоналарига келиб, мундоғ кизат ва икромлар топдим, деб сўзини бул ерга етқурди.

Жинлар шохнинг қудуратлари кўтарилиб, шайх Санъонни олиб келиб юқорига ўтқизиб таслимотлар айлади, беҳад шодмон бўлишдилар. Шох Хожа Ҳасандин илтимос айлаб ул малика жодуни гуноҳини тилади. Хожа Ҳасан шул ҳозирлар олдида ул бир дона маъжунни ярминини отга ярминини итга ичказди. Икковлари ерга йиқилиб, уч-тўрт юмалаб асл суратларига келдилар. Шайх Санъоннинг оёқларига йиқилдилар ва яна тавба айлаб минъавъ ёмон ишларни қилмағаймиз деб қасамёд қилдилар. Шайх Санъон маликани хожа Ҳасанга аҳд қилдилар ҳар икковлари муродларига етдилар.

Шайх Санъон хожа Маҳмудга дедиларки, ҳукми шариат билан ул фарзандлар ҳалолдурлар деб фатво бердилар. Шохни ҳаққиға ҳам дуолар айлаб, бир неча от ва хадисдин тафсир айлаб, жинлар шохига мавонзалар (насиҳат) бериб, дуолар қилиб ёронларига қўшилдилар дебдурлар. Бу ҳикоят алардин рўзгор оламда қолди. Сўнгра жинлар шохи шайх Санъондин чоҳнинг қаифиятини сўради. Шайх жавоб бердики, ажиналар гуруҳидин мустабоҳ ал-даъвот (даъволари қабул қилинган) бўлган авлиёларини макони бўлғай, тарки дунё айлаб, ул чоҳни остида ибодат қилурлар. Агар одамзот ул чоғга боқса озор топарлар. Дуолари булдурки баён қилинди. Ул чоҳ ҳамша кўзга кўриниб турмайди, маҳфийдур. Ҳар ойда бир-икки гардиш фалақдин намоеён бўлур дедилар. Яна Оллоҳ таолонинг ўзи яқшироқ билладур.

Тургун ФАЙЗИЕВ  
тайёрлади.



Озод юртимизда Наврўзи олам шуқуи ҳукмор.

Рустам Шарипов олган сурат.

Ибратнома

## ОРТДА ҚОЛГАН ТУЯ

Ярим кечада узоқдан бир ёш йигитнинг «Ердан беринг!» деган овози эшитиларди. Унинг заиф ва озғин туяси карвондан орқада қолган бўлиб, қаттиқ чарчоқдан ухлаб қолганди. Йигит қанчалар тиришмасин уни жойидан кўзга татолмасди. Шу аснода карвондагиларнинг аҳволини кузатиш мақсадида атрофни айланиб юрган Расули акрам йигитнинг овозини эшитдилар. Унга яқинроқ келиб дедилар: «Кимсан?»

— Жобирман.  
— Нега фарёд қилсанг?  
— Ё Расулulloх! Туям карвондан ортда қолиб кетди.  
— Асоинг борми?  
— Ҳа.  
— Менга бер, — дедилар Расулulloх.

Унинг ёрдамида туяни жойидан тургазишга ҳаракат қилдилар ва туяни минишга буюрдилар. Расули акрам билан туяга минишиб йўлга тушилдилар. Йўл асносида суҳбатлашиб кетишди. Расулulloх дедилар:  
— Отадан неча фарзандсизлар?  
— Еттита киз ва бир ўғил,

яъни камина.  
— Отангнинг қарзи бормиди?  
— Ҳа!  
— Уйланганмисан?  
— Ҳа.  
— Кимга уйландинг?  
— Мадиналик фалон кишининг қизига. Бева аёл экан.  
— Нега ёш қизга уйланмадинг?

— Ё Расулulloх! Ҳаёт тажрибасини кўрмаган еттита сингилларим бор, шунинг учун уларга бош бўлсин деб турмуш кўрган аёлга уйландим.  
— Жуда яқши иш қилибсан. Бу туяни қанчага сотиб олдинг?  
— Беш тиллога.  
— Шу нарҳга мен уни сотиб оламан. Мадинага борганингда пулини оласан.

Сафар тугаб, Расулulloх билан Мадинага қайтганларида Расули акрам Билолға дедилар:

— Бу йигитга беш тилло бер. Йўлда туясини сотиб олган эдим. Яна уч тилло қўш. Отасининг қарзларини ҳам узсин.  
Бироздан кейин туяни ҳам келтиришни буюриб, уни ҳам Жобирга қайтардилар.

## ҲАЗРАТ АЛИНИНГ МЕҲМОНЛАРИ

Бир кун бир киши ўғли билан Ҳазрат Алининг уйига меҳмон бўлиб келди. Ҳазрат Али уларни иззат-икром билан қутиб олдилар, уйнинг тўрғага ўтказдилар. Таомлар сузилди ва ҳамма хурсандчилик билан таом еди. Таомдан сўнг Ҳазрат Алининг хочи хизматчиларидан Қамбар соҳиб ва қўлларни ювиш учун обдастада сув келтирди. Ҳазрат Али уларни Қамбарнинг қўлидан олдилар ва меҳмонларга ақин келиб, уларнинг қўлига сув қуя бошладилар. Шунда меҳмонлардан бири деди:  
— Обдастани менга бера қолинг!

Ҳазрат Али дедилар:  
— Қошингда ўз биродаринг турибди. У сен учун мезбонлик вазифасини бажармоқчи.

Ҳалифанинг у кишига сув қуйиб туриши эришдек туюлди,

ҳижолатдан қазариб турарди. Шунда Ҳазрат Али дедилар:  
— Қўлларингни яқшилаб юв. Ҳижолат чекишни ҳаёлингга ҳам келтирма.

Меҳмон қўлини ювиб бўлгач, халифа ўғиллари Ҳасанни чақириб дедилар.

— Мен отангман, меҳмоннинг отасининг қўлини ювдим. Сен энди ўғлининг қўлини юв.


Ҳасан учун отасининг сўзлари амри вожиб эди ва тезлик билан меҳмоннинг ўғлининг қўлини ювди.

Бу ҳикоятни Ҳазрат Имом Асқарий нақл қилганларида дебдилар:

— Қалбида иймони етук бўлган инсонлар ана шундай камтарин бўладилар.

Фарсийдан Баҳриддин  
ТУРҒУНОВ таржимаси.

## ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



## ДУШАНБА, 29

## ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.40 «Тахлилнома».

8.40 «Ўзбектеелефильм» на-  
мойиш этади: «Лазиз»,  
8.50 Лирик тароналар.  
9.10 «Ўзлик». Бадий-пуб-  
лицистик кўрсатув.  
9.40 «Олтин тоқ». Телевизион  
уйин.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Ян-  
гиликлар.  
10.05 Кундузги сеанс. «Уч-  
чининг парвози». Бадий  
фильм.  
11.30 Ўзбекистон телерадио-  
компанияси халқ чолгу ор-  
кестрининг концерти.  
12.05 «Кўндуз амакининг қис-  
салари». Мультисериял.  
12.20 А.Навоий «Искандар».  
Аброр Ҳидоятлов номидаги Ўз-  
бек Давлат драма театрининг  
спектакли.  
13.40 «Оламга сەҳнат».  
14.10 «Оила». Тележурнал.  
14.40-15.25 Футбол. Ўзбеки-  
стон чемпионати. «Самарқанд»  
— «Пахтакор».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.10 «Фарҳу ва Зумрад».  
Мультифильм.  
18.25 «ТВ-патруль».  
18.35 «Олам кўшиқча тўлсин».  
Муслик дастур.  
19.05 «Мувоzanат». Ахборот-  
таҳлилий кўрсатув.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Биржа ва банк хабарла-  
ри.  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Барҳаёт сиймолар».  
Муслик дастур.  
21.45 «Оталар сўзи — ақлнинг  
кўзи».  
23.00 «Кусто командасининг  
сув ости саргузаштлари». Теле-  
сериял. 33-қисм.  
23.50 «Ахборот».  
00.20 «Манавият» дастури.  
01.20-01.25 Ватан тимсолла-  
ри.

## ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.  
18.05 «Янги авлод» студия  
си намойиш этади («Кувчок  
учрашув», «Мультишоша»)  
18.40 «Аёл ёшдамас».  
18.55 «Наврўз оханлари».  
19.00 «ДАВР». Ахборот дасту-  
ри.  
19.30 «Хавл».  
19.45, 20.35, 22.50 Эълонлар.  
19.55 «Полиция комиссари».  
Телесериал.  
20.45 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.  
21.00 «Олам футбол».  
21.20 «Сурур».  
21.30 «Темунома»: Гўри Мир.  
21.50 «Ёшлар» телеканалида.  
21.55 «Муслик лаҳзалар».  
22.00 «ДАВР». Ахборот дасту-  
ри.  
22.30 «Ёшлар» телеканалида.  
22.35 «Кулгиға нима етсин».  
23.00 Синема. «Альбина-ал-  
лгатор». Детектив.  
00.40 «Спорт-китъаси».  
01.10 «Хайрли тун!».

## ЎЗТВ III

17.55 «ДАРАКЧИ».  
18.05 Кўрсатувлар дастури.  
18.10 «Сен ҳақингда ва сен  
учун».  
18.25 «Телефакт» (рус тилида)  
18.35 «Кутилмаган тўрт нота-  
вон». Телесериал.  
19.15 Муслик танлафуус.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00  
Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Бумеранг».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Дорихона эшитадил...»  
21.35 «Телефакт».  
21.45 «Офисина» бари фириб-

гарлари». Телесериал.  
22.35 «ДАРАКЧИ».  
22.45 «Талабларга бинсан».  
23.15 Спорт-тайм.  
23.40 Оханлар ва эълонлар.  
23.50 Саргузашт фильмлар эк-  
рани.  
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## ЎЗТВ IV

14.30 Кўрсатувлар тартиби.  
14.35 «Жаҳон янгиликлари»  
(инглиз тилида)

15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-  
НИЕСИ

16.10 Кундузги сеанс. «Шерлок  
Холмс ва доктор Ватсон». 1-  
фильм. 1-серия.

17.15 «Бу эрмак жониворлар».  
17.45 «Мульсайёра».

Россия жамоат телевидениеси  
18.05 Фигуралӣ учин бўйича  
жаҳон чемпионати. Кўргазмали  
чиқишлар. Финляндиядан олиб  
кўрсатилади.  
19.45 «Хайрли тун, кичкин-  
тойлар»  
20.00 «Время».

20.35 «Ҳақиқат чегараси». Теле-  
сериял.  
21.20 «Оламда нима гап?» Ах-  
борот кўрсатуви.  
21.25 Клип-антракт.  
21.30 «Вести».  
22.00 «Вақт хазинасидан».  
22.15 «Замонавий дизайн».  
22.30 «Уорлднет» янгиликлари.  
22.40 Киносанас. «Касос». Де-  
тектив фильм.  
00.05 «Ахборот» (рус тилида)  
00.30 «Тунингиз оуда бўл-  
син!»

## 30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар  
линияда профилактика.

15.05, 18.00, 20.10, 00.30 —  
«ТВ-хамкор», «Метеохабар».  
15.30 «Олов ғилдирағи». Теле-  
сериял (Бразилия).  
16.00 «Эсдалик учун дастхат».  
Муслик дастур.  
16.30 «Нано». Телесериал (Ар-  
гентина).  
17.15 «Карапуз-ТВ».  
17.40 «Шаддолар ва гўзаллар».  
Телесериал (АҚШ).  
18.20 «Ошиқона». Муслик дасту-  
ри.  
18.30 «Фақат хотин-қизлар  
учун». Тележурнал.  
19.00 «Қора марварид». Телесери-  
ал (Аргентина).  
19.45 Спорт шарҳи.  
20.35 «Клип-соғва».  
21.30 «30-каналда киношош».  
23.15 «Урбод» Сериял (Мек-  
сика).  
23.50 Тунги муслик-дам олиш  
канали.

## РЖТ

5.00 «Хайрли тонг».  
8.00 Маданият янгиликлари.  
8.15, 16.00 — «Қаҳри қаттиқ фа-  
ришта». Сериял.  
9.05 «Сихат-саломатлик».  
9.35, 14.40 — Мультифильмлар.  
9.55 «Муъжизалар майдон».  
11.00, 14.00, 17.00 — Янгилик-  
лар.  
11.15 «Бирғалиқда» дастури.  
12.00, 18.05 — Фигуралӣ учин  
бўйича жаҳон чемпионати. Кўргаз-  
мали чиқишлар. Финляндия-  
дан кўрсатилади.  
14.15 «Коинот полицияси». Се-  
риал.  
14.55 «Юлдузли онлар».  
15.30 «...16 ёшгача ва ундан  
катталар».  
17.15 «Бу эрмак жониворлар».  
17.45 «Шу ерда ва хозир».  
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
20.00 «Время».  
20.45 «Тўғлик-IV». Саргузашт се-  
риал.  
21.40 «Нигох».  
22.25 Тун нигоҳи «Пичир-пичир»  
триллерда.  
24.00 «Аммо...»

## РАТ

6.00, 8.35 — «Хайрли тонг, Рос-  
сия!».  
6.20 «Хаммининг оғзида».  
6.45 «Кўрсатувлар дастури». Теле-  
луйин.  
8.15, 23.00 — «Навбатчи қисм».  
8.35 «ТВ-клуб».  
8.50 «Товарлар — почта орқа-  
ли».  
9.00 «Санта-Барбара».  
9.45, 12.45 — «Муслика, мусли-  
ка...».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.15  
— «Вести».

10.30 «Турмуш икир-чикирлари».  
Телесериал.  
11.30 «Кўзгу».  
12.30 Мультифильмлар.  
13.30 «Оналар, аёллар ва жаз-  
манлар». Телесериал.  
14.20 «Бойлар ва машхурлар».  
Телесериал.  
15.15 «Рус лотоси».  
16.30 «Минора».  
16.55 «Гомеопатия ва саломат-  
лик».  
17.00 Юрий Соломин, Владис-  
лав Стрельчик, Николай Гри-  
ценко «Жаноби олийларнинг  
адиютанти» саргузашт теле-  
фильмида.  
18.20 «Мистер Бин — қора  
илон». Телесериал (Буюк Бри-  
тания).  
19.30 «Тафсилотлар».  
19.45 «Бир боқишда муҳаббат».  
20.20 Людмила Гурченко ва Ми-  
хаил Державин «Менинг денгиз-  
чи-хоним» фильмида.  
21.50 «Акуна-Матата».

## ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга».  
9.40, 19.20, 00.05 — «Йул назо-  
рати».  
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00  
— «ТСН-6».  
10.10, 00.30 — «Кимки...».  
10.25 «Юлдузлар юлдузлар ҳа-  
қида: «На-на» — 10 ёшда!  
10.50, 13.25, 15.50, 16.20 —  
«Харидингиз учун ташаккур!» теле-  
луйдини.  
11.00 «Обозреватель». Таҳлилий  
кўрсатуви.  
12.10 «Ҳафта можаролари».  
12.40 «Обоз».  
16.10, 01.45 — «Сифат белги-  
си».  
16.40 «Шаддо Роза». Сериял.  
17.30 «Итхона». Сериял. 1-се-  
рия.  
18.00, 00.45 — «Диск-канал».  
19.40 «Кўёшининг учинчи сайё-  
раси». Сериял.  
20.05 Микеле Плачидо «Нарко-  
мафия урушлари» сериалида. 1-  
серия.  
21.00 Шу кўннинг янгиликлари.  
21.30 Артур Крүпенин шоуси.  
22.30 «Одамлар оламида».  
23.00 «33 квадрат метр. Дала  
хавли вокзалари». Сериял.  
00.15 «Ҳафтанинг олти янгили-  
ги».  
01.20 «Қизил туфлича кундалик-  
лари». Сериял.

## СЕШАНБА, 30

## ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.30 «Ахборот».

8.30 Республика газеталарининг  
шарҳи.  
8.45 «Ракс, ракс, ракс...»  
9.10 «Кусто командасининг сув  
ости саргузаштлари». Телесе-  
риал. 33-қисм.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янги-  
ликлар.  
10.05 Янги алифбонинг ўргана-  
миз.  
10.25 Кундузги сеанс. «Ишби-  
лармон кишилар». Бадий  
фильм.  
11.40 «Эшлики ёки бебошлик?»  
12.05 «Кўндуз амакининг қисса-  
лари». Мультисериял.  
«Умид» намойиш этади:  
12.20 «Мақтублар — кабулар-  
лар».  
12.45 «Оталар сўзи — ақлнинг  
кўзи».  
14.10-14.30 «Сирдошим».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.10 Футбол майдонларида.  
18.25 «Хунарида». Тележурнал.  
18.45 «Шарқининг машхур аёлла-  
ри».  
19.05 «Бинокор».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40  
Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 «Шеръ ва шуур».  
20.10 Оқшом эртақлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Оғаҳи таваллудининг 190  
йиллиғига «Латиф лутфу наво-  
лар» 3-қисм.  
21.45 ЎзТВ экранда биринчи  
мarta. «Кавингтон Кросс». Кўп  
серияли бадий фильм. 9-10  
сериялар.  
23.25 «Ўзлинг намён қил».  
Экранда — Қашқадарё вилояти.  
24.00 «Ахборот».  
00.30 «Эдгар ва Кристина». Ба-  
дий фильм.  
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

## ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.  
18.05 «Кусто командасининг

сувosti саргузаштлари». Теле-  
сериял. 33-қисм.  
18.55 Муслик лаҳзалар.  
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.  
19.30 «Аёл васфи».  
19.45, 20.35, 23.20 Эълонлар.  
19.50 «Полиция комиссари».  
Телесериал.  
20.40 «Парламент». Олий Мах-  
лис сессияси олдидан.  
20.55 «Технопарк-2000».  
21.15 «Сарвиноз». Муслик дасту-  
ри.  
